

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУЗРУКОВА МАХИНА МУХАМАДХОНОВА**

**ИЛТИМОС НУТҚИЙ АКТИНИНГ ПРАГМАТИК ВА  
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the abstract dissertation of a Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philological sciences**

**Бузрукова Махина Мухамадхоновна**

Илтимос нутқий актининг прагматик ва лингвомаданий хусусиятлари  
(инглиз ва ўзбек тиллари материалларида) ..... 3

**Бузрукова Махина Мухамадхоновна**

Прагматические и лингвокультурологические особенности речевого акта  
просьбы (на материале английского и узбекских языков)..... 27

**Buzrukova Makhina Mukhamadkhonovna**

Pragmatic and linguocultural features of requestive speech act (on the material of  
the English and Uzbek languages) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУЗРУКОВА МАХИНА МУХАМАДХОНОВА**

**ИЛТИМОС НУТҚИЙ АКТИНИНГ ПРАГМАТИК ВА  
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1134 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Элтазаров Жўлибой Данабоевич  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович  
филология фанлари доктори, доцент  
Садуллаева Нилуфар Азимовна  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «7» Октябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 238-29-37; Факс:(99878) 210-00-18, e-mail: info@samdchti.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60544 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2021 йил «22» сентябрь куни тарқатилди (2021 йил «21» сентябрь даги 30 рақамли реєстр баённомаси).



**И.М. Тухтасинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.С. Ашуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

**Ш.С. Сафаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ҳозирги кунда изчил ривожланиб бораётган психоллингвистика, когнитив тилшунослик, лисоний маданиятшунослик, прагматлингвистика, корпус тилшунослиги сингари йўналишлар доирасида шаклланган антропоцентрик тамойиллар ва таҳлил усуллари тил тизими бирликлари тадқиқини коммуникатив фаолиятнинг турли омиллари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш талабини қўймоқда. Шу жумладан, замонавий тилшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлган прагматлингвистика нутқий фаолиятнинг кечишини таъминловчи қонуниятлар ва тамойилларни аниқлаш ҳамда лисоний ҳодисаларнинг мулоқот шароитларида воқеланиши билан боғлиқ хусусиятларини белгилашнинг ўта долзарблигини эътироф этмоқда. Бу, бир томондан, тил тизими ва унинг асосий бирлиги бўлган гап ҳодисасининг коммуникатив – прагматик хусусиятлари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилиши билан белгиланса, иккинчи томондан, сўроқ шаклидаги гапларнинг прагматик мақоми масаласи ҳозиргача етарлича тавсифланмаганлиги билан изоҳланмоқда.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида турли лисоний маданиятлар вакиллариининг нутқий мулоқот жараёнини тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Қатор етакчи илмий марказларда мулоқот тизими бирликлари ва ушбу бирликларнинг турли контекстларда ошкора ва тағмаъноли воқеланишига оид муаммолари борасида изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, инглиз ва ўзбек тилларида илтимосни ифодалаш воситаларининг лингвомаданий хусусиятларини чоғиштирма таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Дискурсни маданиятлараро прагматика нуқтаи назаридан таҳлил қилишда, маданиятлараро алоқага жалб қилинган мулоқотдошларнинг прагматик билимлари моҳиятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, коммуникация иштирокчиларининг прагматик билими чет тилини билиш даражасига қанчалик боғлиқлиги ва тил воситалари ҳамда мулоқот стратегияларини танлашга қандай таъсир қилишини аниқлаш талаб қилинади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг кенг кўламда олиб борилиши ўзбек олимлари олдига ҳам қатор вазифаларни қўймоқда. Хусусан, хорижий тиллар назарий асослари тадқиқи асосида тил таълимининг самарасини ошириш масаласи барчанинг эътиборида турибди. Мамлакатимизда хорижий тиллар таълимига алоҳида эътибор юқори даражада қабул қилинаётган ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 сон Президент Қарорида қайд этилганидек, «Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали кадрларни жалб этиш, аҳолининг хорижий тилларга бўлган қизиқишини оширишга» доир қатор вазифалар

белгиланди<sup>1</sup>. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун кенг кўламдаги тиллараро чоғиштирма тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нутқий актларнинг мустақил лисоний ҳодиса сифатида талқин қилиниши кўп жиҳатдан прагматиканинг тилшунослик фанининг алоҳида йўналиши мақомида ривожланиши билан боғлиқ. Жумладан, хорижлик ва ўзбек олимлари томонидан яратилган илмий асарлар ва дарсликларда прагматиканинг асосий тамойиллари ёритилиши билан бир қаторда, нутқий актларнинг инсон фаолиятининг ажралмас қисми эканлиги исботланган<sup>2</sup>.

Оксфорд мактаби вакиллариининг илмий тадқиқотлари натижасида нутқий актлар тушунчаси мулоқот тизими бирлиги сифатида талқин қилина

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ – 5117 – сон қарори // <https://lex.uz>

<sup>2</sup> Levinson S. Pragmatics. – Cambridge University Press, 1983. – 22 p.; Leech G. Pragmatics. – Cambridge: CUP, 1983. – 419 p.; Mey J.L. Pragmatics. An Introduction. – Oxford: Blackwell, 2001. – 392 p.; Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. Винница: «Новакнига», 2009. – 273 с.; Матвеева Г.Г., Ленец А.В., Петрова Е.И. Основы прагмалингвистики. – М.: Флинта – Наука, 2014. – 278 с.; Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тили прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013.– 176 б.; Ҳақимов М. Прагмалингвистика асослари. – Фарғона: Classic, 2020. – 420 б.; Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик тамони // Танланган асарлар. III – жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – Б. 244-248.

бошланганидан сўнг<sup>3</sup>, нутқий актлар назарияси шаклланди ва улар турли тиллар кесимида изчил ўрганилиб, таснифий белгилари ажратилди. Бинобарин, инглиз олимлари таклиф қилишган таснифлар тадқиқотчилар томонидан умумлаштирилиб, нутқий актларнинг вазифавий ва маълум нутқий вазиятларда фаоллашув шартлари инобатга олинган таснифий белгилар қатори тўлдирилди ҳамда таҳлил жараёнига татбиқ этилди<sup>4</sup>.

Олимларнинг кўпчилиги асосий эътиборни директив нутқий актларининг таснифий белгиларини ажратиш билан бир қаторда, ушбу синфга оид нутқий тузилмаларни чоғиштирма усулда таҳлил қилиш ва уларнинг соціопрагматик ҳамда лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар<sup>5</sup>.

Кейинги йилларда директивлар синфига кирувчи реквистив (илтимос) нутқий актларининг функционал-семантик ва прагматик хусусиятлари тавсифи ҳам баъзи хорижлик тадқиқотчилар диққатини жалб қилмоқда<sup>6</sup>. Бирок, ушбу турдаги нутқий тузилмаларнинг турли тилларда фаоллашувига таъсир кўрсатувчи лисоний-маданий ва прагматик омилларнинг чоғиштирма тадқиқи ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Ушбу муаммо ўзбек тилшуносларининг эътиборидан четда турганлиги ҳам мазкур тадқиқотга бўлган заруратни изоҳлайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**  
Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот

<sup>3</sup> Остин Дж.Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-130; Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 170-194.

<sup>4</sup> Bach K. Speech acts and Pragmatics // Blackwell Guide to the Philosophy of Language, 2003. Online.; Wunderlich D. Studien zur Sprachaktheorie. – Frankfurt / Maine, 1976. – 57 p.; Арутюнова Н.Д. Речевой акт // Языкознание: Большой энциклопедический словарь. – М., 1998. – С. 412-413; Богданов В.В. Классификация речевых актов // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин, 1989. – С. 25-37; Вежбицкая А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. М.: Прогресс, 1986. – С. 251-275; Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века // Язык и наука в конце 20 века. – М., 1995. – С. 239-320; Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 161-281.

<sup>5</sup> Беляева Е.И. Модальность и прагматические аспекты директивных речевых актов в современном английском языке. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1988. – 22 с.; Яковлева Г.Г. Директивный дискурс в диалогическом пространстве разных языков: строевые и функциональные аспекты описания. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тверь, 2005. – 22 с.; Маслова А.Ю. Коммуникативно-семантическая категория побудительности и её реализация в славянских языках (на материале сербского и болгарского языков в сопоставлении с русским). Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2009. – 25 с.; Сейтжанов Ж.Е. Инглиз ва ўзбек тилларида ундаманинг киёсий тадқиқи. Филол. фан. номзоди. дисс. ... автореферати. – Т., 1912. – 20 б.; Муминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фани бўйича фалсафа докт. (PhD)...дисс. автореферати. – Т., 2018.- 49 б.; Шамахмудова А.Ф. Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида вокелантирувчи этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида). Филол. фани бўйича фалсафа докт. (PhD)...дисс. – Самарқанд, 2019.- 164 б.

<sup>6</sup> Blum-Kulka Sh., Kasper G. Investigating Cross-Cultural Pragmatics: Requests and Apologies. – Norwood, NJ: Ablex, 1989. – pp. 11, 300; Fukushima S. Requests and Culture Politeness in British English and Japanese. – Berlin : Peter Lang, 2003. – 315 p.; Trosborg A. Interlanguage pragmatics: Requests, Complaints, and Apologies. - Berlin: Mouton de Grayter, 1995. – 575 p.; Achiba M. Learning to request in a second language: A study of child interlanguage pragmatics. – Clevedon: Multilingual matters, 2003. – 220 p.; Аристова Н.С. Коммуникативный акт просьбы и его реализация в рамках высокой тональности общения // Вестник КГУ. – Казань, 2006. – № 4. – С. 73-75; Филиппова Л.В. Конвенциональное выражение просьбы в английском языке // Наука и образование. – Белово, 2003. – С. 464-469.

ишлари режасининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-стилистик ва когнитив-прагматик таҳлили масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларидаги илтимосни ифодаловчи нутқий тузилмаларнинг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари ҳамда уларнинг социопрагматик кўрсаткичларини ажратиш ва қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон тилшунослигида мавжуд бўлган нутқий актлар назариясига нисбатан фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш;

илтимос нутқий актининг лисоний ва лингвомаданий хусусиятларини чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш;

хурмат категорияси тамойилларига амал қилиш шароитида юзага келадиган илтимос нутқий акти вариантлари қаторини аниқлаш;

қиёсланаётган тиллар доирасида илтимос мазмуни воқеланишини таъминловчи мулоқот стратегияси танлови кўламини белгилаш;

прагматик компетенцияни шакллантириш учун зарур бўлган лисоний ва маданий билим меъёрини белгилаш;

илтимос нутқий актининг оғзаки ва ёзма мулоқот муҳитида фаоллашувида намоён бўладиган этнопрагматик хусусиятларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек мулоқот маданиятларида илтимос нутқий ҳаракатини воқелантирувчи тил бирликлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** илтимос мазмунига эга бўлган нутқий тузилмаларнинг лисоний-маданий ва прагматик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш методи, қиёслаш ва мантиқий умумлаштириш усуллари, прагмасемантик ва контекстуал таҳлил ҳамда тажриба-синов амалиёти жараёнида тўпланган маълумотларнинг статистик таҳлили усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз мулоқот дискурсларида илтимос прагматик вазифасини бажарувчи бирликларнинг турли вазиятларда намоён бўладиган тиллараро лексик-грамматик, услубий имкониятлар фарқини акс эттирувчи лингвомаданий хусусиятлари коммуникатив мақсад турлари ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақоми, мулоқот вазияти ва матннинг ёзма ёки оғзаки турга оидлиги каби ғайрилисоний ҳодисалар билан боғлиқлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек тиллари доирасида илтимос мазмунини воқелантирувчи мулоқот стратегияси танловида буйруқ-истак майли шаклига эга бевосита ва бошқа шаклдаги тузилмалар воситасида ифодаланадиган билвосита нутқий актларнинг фаоллашуви лисоний-маданий характерга эга эканлиги аниқланиб, ушбу ҳолат нутқий фаолият бирликларининг вариантлашувини намоён қилиши исботланган;



илтимос нутқий актини воқелантирувчи тил тизимининг турли сатҳларига хос бирликлар ва мулоқот стратегияси танлови илтимос мазмунининг лисоний шаклга эга бўлишдан олдин сўзловчи онгида тафаккур тузилмаси кўринишини олиши концептуал фаолият натижаси эканлиги аниқланган;

инглиз ва ўзбек тиллари соҳибларининг мулоқот маданияти ҳамда одоб-ахлоқини акс эттирувчи хурмат категориясига оид шахслараро муносабатларни белгиловчи лисоний, ижтимоий унсурлар ва нутқ одобини меъёрлаштирувчи этикет бирликлари илтимос нутқий актини воқелантиришнинг асосий омили эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илтимос мазмунини ифодаловчи нутқий тузилмаларнинг миллий-маданий ва прагматик хусусиятларининг тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очиб берилган ҳамда нутқий фаолият тизими таҳлили орқали турли миллат вакилларининг дунёқараши, ўзаро муносабатларини ёритиш имкониятлари изоҳланган;

илтимос нутқий актини мулоқот контекстида воқеланишини таъминловчи лисоний ва нолисоний омилларнинг устувор кўрсаткичлари аниқланиши маданиятлараро мулоқот кўникмаларини мукамал ўрганишга имкон яратиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

коммуникатив фаолият жараёнида нутқий ҳаракат стратегиясининг танлови ҳамда ушбу ҳаракатнинг хушмуомалалик тамойили талабларига биноан амалга оширилиши ҳақида социолингвистик тадқиқ асосида тўпланган маълумотлар чет тили таълимини жадаллаштиришга хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий тилшунослик назарияларига мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлил материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар жорийланиши ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти прагматик лингвокультурология ва қиёсий тилшунослик соҳаларини назарий жиҳатдан бойитишида, инглиз ва ўзбек лисоний маданиятларида дискурсив фаолият юритишнинг қатор қонуниятлари ва ушбу маданият вакилларининг онгида илтимос мазмуни шаклланишини белгиловчи қоидалар тўпламини шакллантиришда, келажакда турли тизимли тилларда илтимос нутқий актлари шаклланишининг лисоний-маданий хусусиятларини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маданиятлараро мулоқот вазиятида юзага келадиган прагматик интерференция ва ноқулайликларни ажратиш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини белгилашда ҳамда маданиятлараро мулоқот, прагматик лингвистика, чоғиштира тилшунослик,

риторика соҳалари бўйича ўқув адабиётлари, луғатлар тузишда, илмий монографиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида илтимос нутқий акти воқеланишининг миллий-маданий ва прагматик хусусиятларини аниқлашда ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

илтимос прагматик вазифасини бажарувчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари коммуникатив мақсад турлари ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеи билан боғлиқлиги ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат университетида бажарилган ОТ-Ф1-138-рақамли «Темурийлар даврида яратилган «Хамса»ларнинг компаративистик тадқиқи» (лойиҳа раҳбари проф. М. Муҳиддинов) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 18 мартдаги 10-783-сон маълумотномаси). Натижада, бадиий асарлар персонажлари нутқининг ижтимоий моҳиятини намоён қилувчи воситаларни ёритиш амаллари ишлаб чиқилган;

нутқий актларнинг лингвомаданий андазаларини тадқиқотда ишлаб чиқилган параметрларга асосланган ҳолда тадқиқ қилиш моделидан Руминиянинг Орадя университетида (University of Oradea) бажарилган «The analyse and generation of the models and politics for regional development based on valorisation of heritage and cultural identities» мавзусидаги тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Орадя университетининг 2021 йил 16 сентябрдаги маълумотномаси PN-III-P1-1.2-PCCDI-2017-0686-сонли тадқиқот лойиҳаси асосида). Илмий натижаларнинг қўлланиши маданий мероснинг ўзига хос миллий хусусиятларини аниқлаш ва уларни тизимли равишда тавсифлашга имкон берган;

илтимос нутқий актларининг структур-семантик ва коммуникатив прагматик хусусиятларини аниқлаш борасида ўтказилган таҳлил натижалари бўйича хулосалар магистратура мутахассислигининг «In Tourism, Hospitality and Events» малака талабларига сингдирилган (Ипак йўли халқаро туризм университетининг 2021 йил 15 сентябрдаги 663 - сон маълумотномаси). Натижада, «MAR702 - Research Methods in Tourism, Hospitality and Events», «GEOG701 – Cross Cultural Communication in Global Tourism», «MAN701 – Entrepreneurship in Tourism, Hospitality and Events», «SOC701 – Service Leadership in Hospitality» каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга замин яратилган. Натижалар татбиқи мазкур фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тил эгалари мулоқот маданияти одоб - ахлоқини акс эттирувчи ҳурмат категориясига оид унсурлар ва этикет бирликлари илтимос нутқий актини воқелантиришнинг асосий омили эканлигига оид хулосалардан Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасининг назарий асосларини белгилашда фойдаланилган

(Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 15 мартдаги 617/30.02.01- сон маълумотномаси), натижада, олий таълим тизими талабаларига маданиятлараро мулоқот кўникмаларни шакллантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 та республика ва 8 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий натижалари 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шулардан 5 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда, шунингдек, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза тезислар нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Дискурсив фаолият тизимининг тавсифи ва таркиби**» деб номланган. Ушбу бобда «дискурс» тушунчаси ҳақида олимларнинг турлича қарашлари ва дискурснинг прагматик омил билан узвий боғлиқлиги ҳамда мазкур фаолият кечишининг асосий омилларига оид муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, нутқий актларнинг тавсифий ва таснифий белгилари ажратилган. Ҳар бир дискурс ўз прагматик хусусиятларига эга ва бу хусусиятлар турли тилларда ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Р. Шмидтнинг таъбирича, «ўрганилаётган тилнинг прагматик қонуниятларини ўзлаштириш учун ифоданинг лисоний шаклига эътибор қаратиш билан биргаликда, улар мослашадиган ижтимоий ва контекстуал вазиятларни назардан қочирмаслик лозим»<sup>7</sup>.

Турлича қарашларнинг таҳлил натижаларига кўра чоғиштирама прагмалингвистика соҳасининг мақсади икки ва ундан ортиқ тилнинг мулоқот жараёнида иштирокини ўрганиш, иллокутив маънони ифодалаш

---

<sup>7</sup> Schmidt R., Richards J.C. Speech acts and second language learning // Applied linguistics. – 1980. – Vol. 1. – P. 143.

стратегияси ва лисоний ифода шакллари ажратиш ва уларнинг ҳурмат категорияси билан боғлиқ хусусиятларини ўрганиш эканлиги асосланган.

Шунингдек, ушбу бобда ҳурмат категориясининг миллий-маданий кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилинган. Коммуникатив мақсадга эришишнинг муҳим усулларидан бири, сўзсиз, ҳурмат категорияси тамойилларига амал қилиш эканлигини эътироф этган ҳолда Лич, Лакофф, Браун ва Левинсон каби олимлар ҳурмат қоидаларини шакллантирганлар. Личнинг<sup>8</sup> талқинича, ҳурмат тамойили суҳбатдошлар ўртасидаги ижтимоий мувозанатни сақлаб туришга кўмак беради ва бу уларнинг ўзаро ҳамкорликка мойиллигидан дарак беради.

Прагматик таҳлил учун муҳими танлов стратегиясининг ўзи бўлиб, унда ҳурмат тамойили сўзловчининг коммуникатив мақсадга эришиш сари қўллайдиган стратегияси, амалий фаолият усулига айланади. Масалан, хорижий тилни ўрганиш пайтида ўқувчилар лисоний шакллар танловини амалга оширадilar ва танланган шаклнинг бошқа вариантлар билан муқобиллик даражасини эътиборга олиш талабига амал қиладilar. Шу босқичнинг ўзидаёқ ҳурмат тамойилининг олд ўринга чиқиши кузатилади. Зеро, сўзловчи ёки ёзувчи шахснинг танлови ижтимоий муҳит билан шартланади. Ушбу шартлар ва қоидаларни ўзлаштириш чет тилини мукамал билишнинг муҳим талабидир.

П. Браун ва С. Левинсон<sup>9</sup> «ижтимоий ўзлик» (social face), «негатив ўзлик» (negative face) ва «ижобий ўзлик» (positive face) тушунчаларини фарқлаш лозимлигини уқтирадilar. «Негатив ўзлик» мустақиллик, фикр эркинлиги, ҳаракат эркинлиги кабиларни назарда тутди. Ушбу турдаги ҳурмат суҳбатдошлар ўртасидаги ижтимоий масофани сақлаш талабини амалга оширади.

«Ижобий ўзлик», ўз навбатида, инсоннинг мақтовга, қўллаб-қувватлашга сазовор бўлиши ҳаракатига ишора қилади. Бу турдаги ҳурматнинг воқеланиши адресатга ҳурмат билдириш, суҳбатдошлар истаklarининг мос келиши вазиятини тақозо этади. Тадқиқотчилар ишонтиришича, «негатив ҳурмат ножўя иллокуцияларнинг салбий оқибатларини сусайтиради, ижобий ҳурмат эса ижобий иллокуциялар самарасини оширади»<sup>10</sup>.

Мулоқот иштирокчилари вазиятни маълум кўрсаткичларга нисбатан баҳолаган ҳолда муқобил стратегияни танлайди. П. Браун ва С. Левинсон бешта шундай стратегияни аниқлайди: 1) нутқий актни ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз бажариш; 2) нутқий актни бевосита ижобий ҳурмат тамойили асосида бажариш; 3) нутқий актни билвосита бажариш (киноя, метафора, риторик сўроқ кабилардан фойдаланиш); 4) нутқий актни тўғридан-тўғри

<sup>8</sup> Leech G. Pragmatics. – Cambridge: CUP, 1983. – 419 p.

<sup>9</sup> Brown P., Levinson S. Politeness: Some Universals in Language Usage // Goody E.N. (ed.) / Questions and Politeness. – Cambridge: Cambridge University Press, 1987. – P. 62.

<sup>10</sup> Sifianou M. Off-record indirectness and the notion of imposition. // Multilingua. – 1992. – Vol. 12/1. – P. 29.

негатив хурмат қондасига биноан бажариш; 5) нутқий актни умуман бажармаслик<sup>11</sup>.

Шундай қилиб, хурмат категорияси коммуникатив категориялар орасида марказий ўринни эгаллайди. Ушбу категория умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, ўз атрофига бошқа бир қатор прагматик ҳодисаларни бирлаштиради. Айнан хурмат тамойилига амал қилиш инсон дискурсив фаолиятини тўғри йўлга солиш учун хизмат қилади.

Дискурсив тузилма нутқий акт мақомини олиши учун «маълум жамоада қабул қилинган нутқий муомала тамойил ва қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилган мақсадли нутқий фаолият намунаси бўлиши керак»<sup>12</sup>. Ушбу таърифдан маълум бўлишича, нутқий актнинг асосий кўрсаткичлари интенционалик (мақсадга эга бўлиш) ва конвенционаликдир (тамойил ва қоидаларга амал қилиш). Шу сабаб, шахслараро мулоқотнинг тамойил ва қоидаларини тадқиқ қилиш нутқий актлар назариясининг муҳим йўналишига айланган.

Нутқий актлар назариясининг алоҳида таълимот сифатида шаклланишига Ч. Моррис, Ч. Пирс каби семиотикларнинг назарий қарашлари, Х. Хумбольдт, Ш. Балли ва бошқаларнинг умумий тилшунослик соҳасига оид ишлари туртки берганини ҳеч ким инкор этолмайди, албатта. Аммо мазкур назариянинг асосий манбаси инглиз мантиқшуноси Ж. Остиннинг «How to do things with words» («Сўзлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор») номли асаридир<sup>13</sup>.

Нутқий актнинг тузилиши ва дискурсив фаоллашуви билан қизиққан Ж. Остин ўз назариясининг негизида сўзловчининг нутқ ижодини коммуникатив мақсад, яъни интенционалик билан боғловчи тамойил туришини уқтиради. Олим нутқий акт уч босқичли структурага эга эканлигини таъкидлаб, локутив, иллокутив ва перлокутив босқичларини ажратади.

Айтиш жоизки, санаб ўтилган актлар (локутив, иллокутив, перлокутив) бир пайтнинг ўзида, бир макон ва замонда бажарилади. Уларнинг фаркланиши формал характерга эга бўлиб, фақат ва фақат уларнинг яхлитлигида ҳақиқий дискурсив-коммуникатив бирлик, яъни нутқий акт ҳосил бўлади.

Ж. Серль «иллокутив акт» тушунчаси билан бир қаторда «иллокутив вазифа» тушунчасини ҳам истеъмолга киритди. Нутқий актлар назариясида нутқий ҳаракатларнинг иллокутив жиҳатига алоҳида аҳамият берила бошланди. Бу, энг аввало, нутқий акт структур тузилиши, самарадорлик шартлари ва иллокутив актлар таснифига оиддир. Олим нутқий акт структурасини янгича кўринишда тасвирлайди ва пропозицияни унинг таркибига киритади<sup>14</sup>.

<sup>11</sup> Brown P., Levinson S. Politeness: Some Universals in Language Usage // Goody E.N. (ed.) / Questions and Politeness. – Cambridge: Cambridge University Press, 1987. – P. 68.

<sup>12</sup> Арутюнова Н.Д. Речевой акт // Языкознание: Большой энциклопедический словарь. – М., 1998. – С. 412-413.

<sup>13</sup> Austin W.J. How to Do Things with Words. Harvard University. Oxford: Clarendon Press, 1962. – 167 p.

<sup>14</sup> Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 170-194.

Маълумки, пропозиция ифодасида воқеликдаги ҳодиса ва унинг қачон кечиши маълум қилинади. Пропозиция акти икки қисмдан, яъни предмет ёки шахсга ишора қилувчи референция ва референтга қандай белги-хусусият бириктирилаётганини маълум қилувчи предикациядан иборат. Ягона бир пропозиция ўз иллокутив мақсади билан фарқ қиладиган бир нечта нутқий актга таянч нуқта вазифасини ўташи мумкин. Масалан, қиёсланг:

а) *Гулнора имтиҳонга борадилми?*

б) *Гулнора имтиҳонга борди.*

в) *Гулнора имтиҳонга бор !*

г) *Гулнора имтиҳонни топширса эди !*

д) *Гулнора имтиҳонни топширса, хурсанд бўлар эдик !*

Ушбу нутқий тузилмаларнинг референти – Гулнора ва унга ягона бир хусусият предикатлаштирилмоқда – «имтиҳонни топшириш». Тузилмалар ягона бир пропозицияга боғланса-да, лекин турли иллокуцияларга эга.

Сўзловчининг тингловчи фаҳмлашига йўналтирилган мулоқот мақсади иллокуциянинг энг аҳамиятли томонидир. Иллокутив акт у ёки бу мақсадни амалга оширишга қаратилган ва бу мақсад «тингловчига фақат пропозиция маъносини етказишдан иборат эмас»<sup>15</sup>. Иллокутив актнинг туб моҳияти сўзловчининг хоҳиш-истагида намоён бўлади. Шу сабабли ғарб прагмалингвистлари асосий эътиборни нутқий тузилманинг семантик таркибига эмас, балки прагматик таркиб, яъни сўзловчининг мўлжалдаги нияти, мақсадига қаратишни маъқул кўрадилар<sup>16</sup>.

Ҳозирги кунга келиб нутқий актлар таснифининг қатор вариантлари таклиф қилинган бўлиб, улар турли миқдордаги гуруҳларга ажратилади. Бизнингча, нутқий актларнинг энг ихчамлашган ва фойдаланиш учун қулай бўлган таснифи Г.Г. Почепцов томонидан шакллантирилган. Олим гапнинг структур, семантик ва прагматик жиҳатлари ўзаро боғлиқлигини қайд этаётиб, мулоқот муҳотида олд қаторга маълум лисоний коммуникация вазифасини воқелантирувчи коммуникатив интенция, мақсад туришини таъкидлайди. Гап сўзловчи интенцияси билан боғли ҳолда турли нутқий актлар бажарилишини таъминлайди. Турли воқеланишлар иллокутив имконияти билан ўзаро фарқ қиладди. Ушбу фарқларга нисбатан қуйидаги нутқий актлар ажратилади<sup>17</sup>: 1) констатив (тасдиқ); 2) промиссив (ваъда); 3) менасив (тахдид); 4) перформатив (табрик, ташаккур, кечирим сўраш, тайинлов); 5) директив икки кўринишда бўлади: инъюнктив (буйруқ) ва реквистив (илтимос); 6) квеситив (сўроқ гаплари).

Диссертациянинг «**Илтимос нутқий актининг миллий-маданий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида реквистивлар гуруҳига кирадиган нутқий актлар воситасида ифодаланадиган илтимос нутқий актининг ифода шаклига кўра бевосита ва билвосита турларга ажралиши, билвосита нутқий акти, ўз навбатида, конвенционал ва ноконвенционал

<sup>15</sup> Horn L. Implicature // The Handbook of Pragmatics. – Malden, Mass.: Blackwell, 2004. – P. 22.

<sup>16</sup> Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. – Киев: Высшая школа, 1986. – С. 71.

<sup>17</sup> Почепцов Г.Г. Предложение. В кн.: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 164-281.

турларга эга эканлиги кўриб чиқилган. Чоғиштирилаётган инглиз ва ўзбек маданиятида директивлар синфига кирувчи илтимос нутқий актини воқелантиришда қайси ифода шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги таҳлил қилинган.

Директив нутқий актлари, одатда, уч гуруҳга тақсимланиб тавсифланади. Булар – прескриптивлар, яъни ҳаракатни бажаришга буйруқ бериш мазмунига эга тузилмалар, реквистивлар, яъни сўзловчи фойдасига бажарилиши сўралаётган ҳаракатлар (лекин ушбу ҳаракат бажарилиши мажбурият эмас). Ниҳоят, учинчи гуруҳни маслаҳат мазмунига эга бўлган суггестив нутқий актлари ташкил қилади.

Маълумки, илтимос мазмунига эга нутқий тузилмалар реквистивлар гуруҳига киради. Илтимос сўзловчи ёки тингловчи фойдасини кўзлаши мумкин. Илтимос қилинган ҳаракатни бажариш адресат зиммасига тушади ва охири қарорни у қабул қилади.

Тадқиқотчилар реквистив нутқий актининг воқеланишини бир нечта босқичларга ажратишга одатланишган. Э. Ринтелл бу босқичларни қуйидагича тасвирлайди: 1) мулоқотнинг бошланиши; 2) мурожаат қилиш; 3) илтимос қилиш (*Could you do me a favour?*); 4) илтимосни асослаш; 5) илтимоснинг ўзи<sup>18</sup>. С. Блум-Кулканинг наздида, илтимос уч қисмдан иборат: 1) диққатни жалб қилиш; 2) ёрдамчи ҳаракатлар; 3) илтимоснинг содир бўлиши. Ёрдамчи ҳаракатлар қаторига мулоқотнинг бошланиши ва давом қилиши билан бир қаторда, илтимоснинг асосланиши, ваъда ва таҳдид қилиш кабилар киради<sup>19</sup>.

Олимларнинг қарашларида айрим фарқлар мавжуд бўлишига қарамадан, уларнинг барчаси илтимос пропозициясини нутқий актининг асосига қўяди ҳамда мулоқотнинг бошланиши, илтимоснинг асосланиши ва бошқа коммуникатив ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи ёки ёрдамчи восита сифатида қарайдилар. Ёрдамчи ҳаракатлар асосий нутқий актни тўлдириб, илтимос оҳангини юмшатади ёки, аксинча, кучайтиради.

Т. Ҳадсон ва унинг ҳаммуалифлари илтимос прагматик вазифасини воқелантирувчи стратегияни (*request head act strategies*) ёрдамчи нутқий актлар стратегиясидан (*request supportive move strategies*) фарқлаш таклифини киритди<sup>20</sup>. Илтимос нутқий актини бажаришга йўналтириладиган коммуникатив стратегиялар қуйидагилардан иборат:

1) тайёрлаш стратегияси – илтимосни бажаришга шароит мавжудлигини аниқлаш: *Can I borrow ...? Could you move...? Would you give?*;

2) ишора бериш стратегияси – *Will you be going home now?; I wasn't at the lecture;*

3) хоҳишни билдириш – *I'd like to borrow ...; I want to see ...;*

<sup>18</sup> Rintel E. Sociolinguistic variation in pragmatic ability: a look at learners // Journal of Sociology of language, 1981. Vol. 27. – P. 19.

<sup>19</sup> Blum-Kulka Sh., Kasper G. Investigating Cross-Cultural Pragmatics: Requests and Apologies. – Norwood, NJ: Ablex, 1989. – pp. 11, 300.

<sup>20</sup> Hudson T., Detmer E., Brown J. Developing prototypic measures of crosscultural pragmatics. – Honolulu: University of Hawaii Press, 1995.- 198 p.

4) билвосита перформатив - иллокутив вазифа модал феъллар ёки уларнинг муқобиллари воситасида ифодаланади: *I must ask you ...; I have to ask you ...;*

5) таъкидлаш стратегияси, бунда адресатга ҳеч қандай танлов ихтиёри қолдирилмайди – *I have to cancel the meeting.*

Ёрдамчи нутқий актларни воқелантирувчи стратегиялар гуруҳи қуйидагилардан ташкил топади:

1) илтимосни асослаш – *I forgot my notebook ....*

2) норозиликнинг олдини олиш - *I know you are very busy ....*

3) илтимосни бажаришни осонлаштириш - *It shouldn't take long;*

4) илтимосни олдиндан маълум қилиш - *I'd like to ask you something. Won't you be seeing Mary?*

5) кечирим сўраш - *I'm sorry to bother you;*

6) ташаккур билдириш – *Thanks for your work last week.*

Илтимос нутқий акти асос ва ёрдамчи воситалардан ташқари, коммуникатив мақсадни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи элементларга (*downgrader strategies*) ҳам эга бўлиши ҳолатлари кузатилади. Бу элементлар лексик-фразеологик ва синтактик хусусиятга эга.

Илтимос иллокутив акти билан боғлиқ нутқий ҳаракатлар кўпчилик тадқиқотчилар томонидан суҳбатдошларнинг «ўзлигига» таъсир ўтказувчи ҳодиса сифатида қаралади. Олдинроқ айтилганидек, «ўзликка» таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин<sup>21</sup>.

Илтимос қилиш, асосан, тингловчининг негатив «ўзлиги»га таъсир етказиш йўналишида кечади, чунки сўзловчи ўз эҳтиёжини тингловчи ёрдамида қондиришнинг йўлини қидиради. Шунингдек, сўзловчининг ўзи ҳам шу тарздаги таъсирдан қочиб қутила олмайди. Демак, илтимос нутқий акти тингловчининг мустақил ва дахлдорли ўзлигига бир хилда таъсир қилиш имкониятига эга<sup>22</sup>. Шу сабабли сўзловчи ўз илтимосини тингловчига етказишда имкони борича айтилган таъсирни сусайтириш имконини излайди.

Илтимос нутқий акти ифода шаклига кўра бевосита ва билвосита турларига эга. Илтимос бевосита ёки ошқора ифодаланганида императив шаклига (*Bring me, please; Марҳамат, чой ичинг!*) ёки декларатив иборалар ва перформатив қолипларга (*I want you to help me; Илтимос, менга ёрдам беринг!*) мурожаат қилинади. Императив тузилмалар, худди перформатив иборалар каби, яқинлар ўртасидаги норасмий мулоқот вазиятларида, тингловчига нисбатан ҳурмат қондасига тўлиқ амал қилиш истаги сустигида ёки бунга эҳтиёж бўлмаганида қўлланилади.

Тўғри, инглиз тилида бевосита илтимосни маълум даражада юмшатиш имконияти мавжуд: *Do X / Don't do X* модели *Do X / Don't do X, please* модели билан алмаштирилиши мумкин. Масалан: *Hang on a minute, please; Pass me handbag, dear; Just keep it for me.* Бироқ, бу турдаги элементларнинг

<sup>21</sup> Brown P., Levinson S. Politeness: Some Universals in Language Usage // Goody E.N. (ed.) / Questions and Politeness. – Cambridge: Cambridge University Press, 1987. – P. 62.

<sup>22</sup> Spenser-Oatey H. Conceptualising “the relational» in pragmatics // Journal of pragmatics, 2011: doi: 10. 1016/ j. pragma. – P. 3564-3578.



ишлатилиши билан ҳаракатга ундаш ҳолатини ўзгартириш қийин, чунки хушмуомалалик даражасининг ошиши илтимос нутқий актининг бевосита йўналишига таъсир кўрсатмайди. Бу ерда модификаторларнинг бажараётган вазифаси ҳурмат тамойилига амал қилишни таъминлашдир. Please элементининг гап бошланишида келиши илтимос иллокуциясини кучайтиради, холос: Please, stop making that noise!<sup>23</sup>.

Кўринадики, ҳурмат тамойилига тўлиқ ёки қисман амал қилган ҳолда бажариладиган илтимос, асосан, билвосита нутқий акт кўринишига эга. Билвосита нутқий актлар алоҳида гуруҳларга ажратилиб ўрганиб келинмоқда ва бунда асосий эътибор ушбу актларнинг мантиқий ҳам лисоний моҳиятини аниқлашга қаратилмоқда.

Билвосита нутқий актининг ифодаланиш усул ва шакллари турлича. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида энг кенг қўлланиладиган усул- савол шаклидаги тузилмалардир. Сўроқ шакли воситасида тингловчидан у ёки бу илтимосни қондиришга йўналтирилган ҳаракатни бажара олиши (ёки олмаслиги) сўралади: *Can you give me a pen?* «Қаламни олиб бера оласанми?» Билвосита илтимоснинг оддий турида адресатга тўғридан-тўғри муурожаат қилинмайди ва бунда адресатга иллокутив мазмунни ўзича тушуниш имконияти қолдирилади: *It's cold in here;* «Хона совуқ экан».

Дарҳақиқат, коммуникатив мақсад билвосита ифодаланганида мулоқотдошларнинг бир-бирини тушуниши маълум даражада қийинлашади. Баъзи маданиятларда билвосита ҳурмат стратегияси унчалик фаол бўлмаслиги мумкин. Бундай маданият вакиллари билан мулоқотга киришишда билвосита нутқий ифода усулларидан жуда эҳтиёткорона фойдаланиш тавсия қилинади. Акс ҳолда, сўралаётган илтимоснинг мазмуни нотўғри талқин қилиниши муқаррар.

Мазкур ишимизда биз чоғиштира тилшунослик ва социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда илтимос нутқий актини қардош бўлмаган лингвомаданиятларда воқеланишини таъминловчи мулоқот стратегиялари қўлланиш хусусиятлари таҳлилин амалга оширишни мўлжалладик. Бунда асосий эътиборни ушбу лисоний жамоаларга хос этномаданий ва этнопрагматик омиллар тавсифига қаратдик. Бундай вазифанинг амалга оширилиши мавжуд социомаданий ўзига хосликлар, номутаносибликларни англаш ва хорижий тилда мулоқот юритиш учун зарур бўлган билим меъёрини аниқлаш имконини беради. Биз илтимос нутқий актларининг чоғиштира таҳлилида, ушбу актларнинг тиллараро муқобиллик хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, улар воқеланишида кузатиладиган фарқларни белгилаб, ушбу номутаносибликларни пайдо бўлиш сабабларини қидириш ҳамда изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Инглиз ва ўзбек тилларида илтимосни ифодалаш имкониятига эга бўлган лисоний воситалар заҳираси анча бой. Булар – буйруқ (императив) шакллари, савол тузилмалари, модал бирикмалар, шама қилувчи иборалар, таркибида турли киритмалар мавжуд бўлган ёйиқ структуралар ва ҳоказо.

---

<sup>23</sup> Quirk R., Greenbaum. A University Grammar of English. – L.: Longman, 1989. – P. 61.

Ушбу тузилмалар турли лексик-грамматик кўринишларда шаклланиб, ҳар хил воситалар ёрдамида мураккаблашуви мумкин. Аммо уларнинг қўлланиш даражаси ва фаоллашув миқёси турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, ушбу омиллар баъзан тиллараро фарқ қилади.

Кўрсатилган коммуникатив-прагматик шартлар қиёсланаётган ҳар иккала тил учун умумий бўлишига ишониш керак, албатта. Бироқ императив шакллариининг кўриниши, прагматик вазифаси ва фаоллашув даражаси инглиз ва ўзбек мулоқот тизимларида бир-бирини тўлиқ такрорлай олмаслиги аниқ. Жумладан, бир томондан *Be careful!*, *Open the door!*, *Put it away!* ва, иккинчи томондан, *You be careful; Everybody stand still*<sup>24</sup> каби гапларни қиёслаб кўрайлик. Ҳар икки қатордаги гаплар императив характерга эга бўлса-да, лекин биринчи қатордагиларида эга ифода топмаган. Айтиш жоизки, ушбу турдаги императив тузилма бевосита илтимосни воқелантиришнинг энг қўп қўлланиладиган шакли ҳисобланади.

Баъзи тилшунослар эгаси зоҳиран ифодаланмаган императив тузилмаларни энг қатъиятли, ҳатто қўпол мазмундаги илтимос нутқий актини воқелантирувчи восита деб, ҳисоблайди<sup>25</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, *Open the window!*, *Stop the newspaper!*, *Bring me a glass of water!*, *Speak louder!* каби тузилмалар адресат ҳуқуқига (эркинлигига) тажовуз кўрсатади ва илтимосни буйруққа ўта яқинлаштириб юборади. Бу эса, ўз навбатида, коммуникатив мақсадга эришишни қийинлаштиради.

Буйруқ оҳанги айниқса тузилмалар таркибига эмфатик *do* киритилганда янада кучаяди: *Do take care!*, *Do be careful!*, *Don't be long!*, *Don't stay long!*, *etc.*

Эгаси ифода топган императив шаклдаги гапларнинг прагматик таъсир кучи янада ошади. Бундай гаплар таркибида эга ўрнида кўпинча иккинчи ёки учинчи шахс олмошлари келади. Масалан: *You be quiet!*, *You mind your own business, and leave this to me!*, *You come here, Jack and you go over there, Mary!*, *Somebody open this door!*, *Everybody shut there eyes!*, *Jack and Susan stand over there!*

Гапнинг эгаси ўрнида иккинчи шахс олмоши келганида илтимос нутқий акти таҳдид кучига эга бўлиши ҳам кузатилади: *Just you watch what you're doing!; Hey, you, watch what you are doing.* Кўрсатилган оҳангнинг кучи инкор шаклидаги тузилмаларда янада ошиши мумкин: *Don't you watch her! Don't you be so sure!*

Маълумки, инглиз маданиятида бировларнинг ишига аралашиб, ўз фикрини очик баён қилиш маъқулланмайди, шу сабаб маслаҳат, илтимос нутқий ҳаракатлари кўпинча кечирим сўраш билан боғлиқ ёрдамчи стратегиялар ҳамроҳлигида воқеланади.

Бир қатор тилшунослар илтимос нутқий актини бевосита ифодаловчи императив тузилмаларини инглиз маданиятида асосан қуйи табақа вакиллари

<sup>24</sup> Келтириладиётган мисолларнинг асосий қисми инглиз тили миллий корпусидан (BENC) танлаб олинган. Бошқа манбалари мурожаат қилинган ҳолатларда эса ушбу манбалар кўрсатилади.

<sup>25</sup> Фурменкова Т.В. Средства реализации принципа вежливости в американском варианте современного английского языка. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2005. – 24 с.

нутқиға хос, деб ҳисоблайдилар<sup>26</sup>. Императив шаклидаги илтимос нутқий актининг қўлланишида қўйиладиган бундай чекловнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Инсоннинг мустақиллиги ва эркинлиги инглиз маданиятида энг муҳим қадриятлардан бири ҳисобланади. Императив эса сўзловчининг истагини тўғридан-тўғри, қатъий равишда ифодалайди, ҳатто юмшатиш элементларининг таркибга киритилиши ҳам адресатни ҳаракатга ундаш мазмунини унчалик юмшатмайди. Масалан:

*Hang on a minute, please;*

*Pass me my handbag, dear;*

*Just keep it for me.*

Уларнинг баъзилари гап бошланишида келишида, аксинча, илтимоснинг оҳанги янада қатъийлашади:

*Please stop making all that noise!*

Ушбу оҳангни юмшатиш вазифасини гапнинг охиридаги киритма иборалар (*will you, would you, could you, right, all right, OK, etc.*) бажариши мумкин. Зеро, бу ҳолда сўзловчи адресатнинг розилигини олаётгандек туюлади.

Инглиз мулоқот тизимидаги илтимоснинг императив шакли қўпол эшитилиши сабабли ўзбек тилидаги айрим тузилмаларни (масалан: *Марҳамат, юқори томонга ўтинг; Илтимос, Лолага телефон қилиб юборинг*) инглиз тилига ўгириш қийинчиликлар туғдиради.

Х.Б. Самигова ўринли таъкидлаётганидек, «лисоний бирликларни ҳар хил тилларда қиёслаш орқали уларнинг концептуал-семантик моҳиятини, гендер, паралингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатиб бериш мумкин»<sup>27</sup>. Олиманинг кўрсатишича, семантик жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган тилларнинг ўзи йўқ ва бунинг сабаби – турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, илмий-техникавий жараёни, яшаш шароитлари турлича эканлигидадир [Ўша асар, 98-бет]. Бундай миллий-маданий кўрсаткичлардан бевосита ифода топган илтимос нутқий актлари ҳам холи эмас, албатта.

Ўзбек тилида ҳам илтимос нутқий актини бевосита воқелантирувчи лисоний воситаларнинг қўлами анчагина кенг. Императив, декларатив, турли ёйиқ структурали тузилмалар бу вазифани бажаришга мослашганлар.

Негизда буйруқ-истак майли шакли турадиган императив тузилма илтимосни бевосита ифодалашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Дастлабки кузатишларга қараганда, ўзбек мулоқот нутқида фаоллашадиган реквизиив нутқий актларининг учдан икки қисмини императив тузилмалари ташкил қилади. Жумладан, «*Илтимос, раҳбарни чақириб беринг*», «*Агар малол келмаса, менга китобингизни бериб юборинг*», «*Илтимос қиламан, тинчликни сақланг*», «*Тошкентга битта билет бериб юборинг*» тарзидаги

<sup>26</sup> Ларина Т.В. Доминантные черты английского вербального поведения // Филологические науки. 2007. №3. С. 71-81.

<sup>27</sup> Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқий формулалар луғати. – Т.: Фан ва технологиялар, 2016. – 97 б.

тузилмаларнинг турли мулоқот вазиятларида қўлланиши одат тусига айланган.

Ғ. Зикриллаевнинг «Рух ва тил» номли монографиясида [2018] буйруқ-истак майли шакллариининг морфологик ва парадигматик кўрсаткичлари билан бир қаторда, функционал хусусиятлари бирмунча батафсил изоҳланган<sup>28</sup>. Олим кўрсатишича, ушбу майл шаклларида модал маъно сўзловчининг ўз хоҳиш-истаги (I шахсда) ҳамда иш-ҳаракатнинг ўзга шахс амалга оширишининг истаги (III шахсда) ёки уни бажаришга ундаш (II шахсда) тарзида намоён бўлади [Ўша асар, 106-бет].

Кўринадикки, «истак» маъно компоненти уччала шахс шакли учун бирдай характерли. Чунки истак бўлгандагина адресатни бирон бир ҳаракатни бажаришга ундаш, даъват этиш ва илтимос қилиш имкони туғилади. Ундаш эса турлича муносабатда бўлиши мумкин. Шунинг учун, «Ўзбек тили грамматикаси»нинг муаллифларидан бири бўлган М. Асқарова қайд этганидек, буйруқ-истак майли формасида соф буйруқдан тортиб то дўқ қилишгача, иккинчи томондан, ҳатто ялинишгача, бўлган муносабат ифодаланиши мумкин<sup>29</sup>. Қиёсланг:

*Сиз саройдаги қора йўрғани миниб, шу топдаёқ яйловга жўнанг. Салим қорага айтинг, фермада ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйсин* (Ҳ. Ғулум); *Буни кўп сокинтирма, болам* (II. Қодиров);

Табийки, мулоқот пайтида суҳбатдош билан ҳамкорлик йўллари кидираётган шахс билдирилаётган илтимоснинг оҳангини юмшатиш, унинг давъатсизроқ этилишини таъминлашга ҳаракат қилади. Ўзбек тили илтимоснинг бевосита ифодаси пайтида нутқий актни хушмуомала кўриниш олишига хизмат қиладиган лисоний воситалар заҳирасига эга, албатта. Ушбу воситалар қаторига, бинобарин, қуйидагиларни киритиш мумкин:

